

## ЎЗБЕК ВА НЕМИС ШЕЪРИЯТИДАГИ АНЪНАВИЙ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Маъдиева Адиба

ЎзДЖТУ, ўқитувчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10999467>

**Аннотация.** Дунё адабиётшунослиги учун доимий тақрорланадиган, асрлар оша абадий бўлган ва ҳар хил қиёфада, шаклда намоён бўладиган, аммо Шарқ ва Гарб адабиётидаги фарқланадиган образ, яъни бир даврдан иккинчисига ўтадиган, шоирлар тез-тез мурожсаат қиласидиган ва уларга ўз талқинларини берадиган бадиий тасвирларга анъанавий образ, деб аталади. Улар ҳар доим узоқ вақт давомида ўзгармас бўлиб қоладиган ўрнатилган маънога эга. Бироқ давр ва муаллифнинг ниятига қараб, тасвирнинг янги талқинлари юзага чиқшии мумкин. Мақолада ўзбек ва немис шеъриятида учрайдиган анъанавий образлар талқинига оид тадқиқот ишлари таҳлилга тортилди.

**Калим сўзлар:** Модерн, шеърият, тафаккур, маънавият, маҳорат, тасаввур, бадиий услуб, эркинлик.

## ANALYSIS OF STUDIES ON THE INTERPRETATION OF TRADITIONAL IMAGES IN UZBEK AND GERMAN POETRY

**Abstract.** For the study of world literature, an image that is constantly repeated, eternal over centuries and appears in various forms and forms, but is different in the literature of the East and the West, that is, a traditional image that passes from one period to another, which poets often refer to and give their interpretations to. is called They always have an established meaning that remains unchanged for a long time. However, depending on the period and the intention of the author, new interpretations of the image may emerge. In the article, research works on the interpretation of traditional images found in Uzbek and German poetry were analyzed.

**Keywords:** Modern, poetry, thinking, spirituality, craftsmanship, imagination, artistic style, freedom.

## АНАЛИЗ ИССЛЕДОВАНИЙ ПО ИНТЕРПРЕТАЦИИ ТРАДИЦИОННЫХ ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКОЙ И НЕМЕЦКОЙ ПОЭЗИИ

**Аннотация.** Для изучения мировой литературы необходим образ, постоянно повторяющийся, вечный на протяжении веков и выступающий в различных видах и формах, но различный в литературе Востока и Запада, то есть традиционный образ, переходящий из одного периода в другой. другой, к которому поэты часто обращаются и дают свои интерпретации, называется Они всегда имеют устоявшийся смысл, который остается неизменным в течение длительного времени. Однако в зависимости от периода и замысла автора могут возникнуть новые интерпретации образа. В статье проанализированы исследовательские работы по интерпретации традиционных образов, встречающихся в узбекской и немецкой поэзии.

**Ключевые слова:** Модерн, поэзия, мышление, духовность, мастерство, воображение, художественный стиль, свобода.

Жаҳон адабиётшунослигига анъанавий образларга бағищланган илмий асарлар бир қанча бўлиб, улар орасида немис адабиётшунослигига илмий ишлар алоҳида киммат касб этади.

Немисзабон тадқиқотчилардан Хенрике Шмидт, Лукас Юлиус Дорфбауер ва Анна Магдалена Феннер тадқиқотлари алоҳида дикқатга сазовор бўлиб, жумладан Хенрике Шмидт “Wortmusik, Schrifttanz, Textbilder. Intermediale Sprachkonzeptionen in der deutschen Poesie des 20. Jahrhunderts”<sup>1</sup> (яъни, “Йигирманчи аср немис шеъриятида сўзнинг ўзаро концепцияси. Сўз мусиқаси, ҳарфлар рақси, сўз тасвири”) номли тадқиқотида Бертольд Брехт, Анна Марие Ахенраинер, Ҳерманн Ҳессе, Фридрих Бергаммер, Розе Ауслендер каби йигирманчи аср немис шоираларининг ижодларида анъанавий образ шаклида сўз ва ҳарфларнинг мусиқа билан уйғунлашувини кузатади. Сўз ва ҳарфлар мотиви замирида анъанавий образлар бўлмиш тунги ҳамроҳ, ёлғизликда дардингни эшитгувчи **юлдуз, ой**, қувват улашгувчи қадимиј **дараҳт**, ўз бағрига чорловчи виқорли **тоғлар**, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб бергувчи инжик **булут**, орзуга айланган **осмон**, меҳрга тўла **замин**, оқ, кучли ва забардаст “қора”, меҳнаткаш, доим тетик ва жозибадор “қизил”, бепоён “яшил” ранглар акс этади. Шеъриятда образлар бавзан бегоналашув жараёнига бўйсунади, қайта шаклланади ва таниб бўлмайдиган даражада аксини намойиш этади<sup>2</sup>.

Шеърда мажозий белгиларни ўз ичига олган анъанавий образлар, мусиқа оҳанглари, шеър садоларига ва ракқосанинг ҳиром айлаши рамзига жон ато этувчи бу -сўз. Сўз мусиқаси, ҳарфлар рақси, матнли тасвиirlар, товушларнинг қурилиши, рақамли шеърлар - медиал ўзгаришлар занжири чексиз ва чексиз кўриниади, чалкаш кўринишиларга эга тасвиirlар. Кўриниш ва оҳангдорлариқдан ташқари, рақс ёки ва сўзлар яралиши архитектура илҳом манбаи сифатида эътироф этилади. Йигирманчи асрнинг охиридан бошлаб, бу - “ўз-ўзидан шакл” ҳақида эмас, балки унинг поэтик тамойил сифатида ўзгариши намоён бўла бошлади<sup>3</sup>. Натижада билим ва идрок инқирози юзага келади, илмий ва иқтисодий инқилоблар европа маданиятларини чалғитади. Бу балки сўз, матн ва мусиқанинг ўзаро уйғунлашиб, янгича санъат пайдо бўлишига замин яралган. Бора-бора сўзлар мусиқаси, ҳарфлар рақси, матнли тасвиirlар, рақамли шеърлар ёки товуш архитектуралари - кўплаб “гибрид” шеърият пайдо бўлади.

Тадқиқотда анъанавий тарзда адабий тилда ёзилган немис шеъриятида идрокнинг парчаланиши ва инқирози натижасида индивидуал мавзуу “нигоҳ, оҳанг, мусиқа лингвистик белгига акс этади”, унда анъанавий образлар ҳодиса ва ўзаро коммуникатив восита сифатида талқин этилиши муҳокама қилинган ва хulosалар билдирилган.

Дарҳақиқат, сўзларнинг ўзаро оҳанглашуви, таҳлилга тортилган юлдуз, ой, осмону замин, тоғ, булут анъанавий образлари, уларнинг оқ-қора, қизил-яшил рангларда сўзлар асносида мусиқий уйғунлашувини кузатиш нақадар ўткир зеҳн талаб этади.

<sup>1</sup>Schmidt H. Wortmusik, Schrifttanz, Textbilder. Intermediale Sprachkonzeptionen in der russischen Poesie des 20. Jahrhunderts.<http://www.ruhr-unibochum.de/lirsk/sphaeren/index.htm>.

<sup>2</sup> кўрсатилган манба, б-80

<sup>3</sup> Шу манба, б-347

Веналик немис тадқиқотчиси Лукас Юлиус Дорфбауер<sup>4</sup> илмий асарида шоир яшаб ижод қылган давр сиёсати ва унга бўлган муносабати, унда талқин этган **Худо, Масих, Одам Ато, само, фаришта, жаннат, дўзах** каби анъанавий образларнинг қўлланилиши, уларнинг турли сатрларда турлича қиёфа акс эттиргани ҳақида муҳокама қилади.<sup>5</sup> Жумладан, фариштанинг *sed licet nos aut angelus de caelo evangelizet.* (яъни, самодан фаришта хушхабари билан келди. Бунда ҳаёт гўзаллашиб бориши ҳақида хабар) Ва ёки *spiritu sancto misso de caelo* (яъни муқаддас рух самога олиб кетар). *Haec locutus est Iesus et sublevatis oculis in caelum dixit* (яъни Исо бу сўзларни айтдию, қўзларини самога қадади)

Caelestis ("samoviy") сифати, асосан, осмонга тегишли деб ўйлайдиган ҳар қандай нарса билан боғланиши мумкин: масалан, Lucretius caelestis ignis, осмондан келадиган олов деб ҳисобланган чақмоқни ва Аетна шоирининг таҳаллусини англатади, caelestibus astris , яъни осмондаги юлдуз ҳақида мадҳия ёзилган. Рим шоири самовий худолар маъносида саелестес субстантив сифатларидан фойдаланганлиги ҳақидаги энг қадимги далил Энниуснинг одамни илоҳийлаштириш мавзусига қизиқарли тарзда бағишиланган мадҳиясида топиш мумкин.<sup>6</sup> Лотин шоири Клаудианс ўз шеърларида илоҳиётга оид сўзларни жуда кўп қўллаган. Буни тадқиқотчи шоирнинг ўзига хос мукаммал диний билимлари ҳосиласи сифатида таъриф берган.

Немисзабон шоирлар Г. Айхъ, М.Л. Кашниц ва Н. Захс ижодини ўрганган тадқиқотчи Анна Магдалена Феннер<sup>7</sup> илмий ишида **она, ота, табиат, фарзанд, ватан, “Мен”** анъанавий образларига алоҳида урғу беради. Немис диёрининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қўриниши адабиётга, хусусан шеъриятига ҳам ўз таъсирини ўтказганини исбот этган Феннер маълум ва машҳур бўлган ҳар уччала шоирларда ўхшаш талқинлар, яъни ўз замонидаги урушдан сўнгги сиёсий жараёнлару, азият кўрган халқнинг жабридан таъсиirlаниб она туйғуси, оталар алами, табиат қайғуси, ватаннинг совуқ кўрки, фарзанд дарди ва “Мен”нинг шаклланиш ҳисси тасвиirlangan шеъриятни таҳлил этади. Тадқиқотчи шу боис шеърларда тасвиirlangan ҳиссий ҳолатларни иложи борича аниқ номлашга ҳаракат қилишини баён қилади, бунда “мотам” ва “ғам” атамалари орасидаги бадиий ва семантик жиҳатлар яқин. Тадқиқотчи бундан ташқари таҳлил давомида ҳистийууларни ўрганишдаги жараёнларни ҳам батафсил тасдиқлайди, улар қайғу маъносида, яъни кўпроқ мотам жараёни сифатида тушунилади - турли хил ҳиссий ҳолатларнинг биргаликда яшashi билан тавсифланади<sup>8</sup>: фарзандини дунёга келтиришда қийналган она, фарзанди учун қайғуриб оламдан ўтган она, уруш йўлларига кўз тикиб турган она тасвиirlари; уруш сабаб уйғона олмаган табиат, яланғоч қолган дараҳтлар, гул кўрмаган кўчалар; уруш “Мен”нинг ақли етмаган қонунлар, “мен”нинг руҳан ва жисмонан азобланиши, “мен”нинг тириклигига амин бўлиш туйғулари талқини алоҳида келтириб ўтилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, тадқиқот асосида турган образлар билан боғлиқ ғам ва қайғу ҳақидаги аниқ мантиқий тушунчани таснифлаш учун адабий қонуниятлар асосида

<sup>4</sup> Dorfbauer L. J. “Das Wunderbare in den politischen Gedichten Claudians”.dissertation dr.phil.Wien,2009. s 278

<sup>5</sup> кўрсатилган манба, б-44

<sup>6</sup> кўрсатилган манба, б-153

<sup>7</sup> Fenner A.M. Trauer in der deutschen Nachkriegslyrik zur Emotionsgestaltung bei Günter Eich, Marie Luise Kaschnitz und Nelly Sachs: Diss.dr.phil. Göttingen 2015

<sup>8</sup> Кўрсатилган манба, б-54

диққатни қаратиши шу тариқа ўз-ўзидан шеърнинг қаерда ва қачон яратилғанлигини аниқ ажратишига хизмат қиласи.

Бу илмий ишда ҳис-туйғу ва кайфият нимани англатишини, қандай турли жиҳатлар ҳиссий тажрибани ташкил этишини ва қайғунинг ўзига хос түйгусини қандай концепциялаш кераклиги аникланади. Диссертацияни кузатар эканмиз, бевосита психофизик ҳодисаларнинг лингвистик тарзда қандай ифодаланиши, улар адабий матнларда қандай намоён бўлиши ва бадиий ифодасининг мухокамасидан анча маълумот ола олдик.

Ўзбек адабиётшунослигидаги ҳам жаҳон адабиётшунослиги каби уларда образлар, шунингдек, анъанавий образларга ҳам эътибор қаратилган. Масалан, **Тозагул Матёкубованинг “Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини”** номли илмий асари анъанавий образларнинг оғзакидан ёзма шаклга ўтиши, айрим мифологик ва диний-тариҳий образларнинг Огаҳий поэтик талқинидаги маъно-моҳияти тадқиқига бағишиланган.<sup>9</sup> Огаҳий ижодидаги анъанавий образларнинг барчасини бир иш доирасида тадқиқ этиш имкондан холи бўлғанлиги туфайли ушбу изланишларда образларнинг оғзаки шаклдан ёзма шаклга силжиши, баъзи мифологик ва диний-тариҳий образларнинг Огаҳий поэтик талқинидаги маъно-моҳияти таҳлил этилган.

Огаҳий ижодида фаол қўлланилган мифологик образлардан бири **Хизр**дир. Тадқиқотчи мавзуси доираси адабиётшуносликда бу образнинг келиб чиқиши хусусида турли хил фикрларни кузатган. Жумладан, Е.Э.Бертельс Хизр образини қадимги ўсимликлар олами билан алоқадор худоларга боғласа, И.Саримсоқов зардуштийлик дини эътиқодларига бориб тақалишини айтади. Е.Э.Бертельс, А.Климович, М.Пиоторовский ҳам Хизр образининг яшиллик билан алоқадор эканини таъкидлайдилар. Мазкур фикрни И.Ҳаққулов ҳам тасдиқлайди. Озарбайжон олими М.Сейидов, ёш тадқиқотчи Т.Хўжаевнинг ишларида ҳам Хизр образининг генезиси зардуштийлик эътиқодлари (оловнинг покловчилик хусусияти - Т.М.) туркий халклар оғзаки ижоди билан боғлаб талқин қилинади.<sup>10</sup>

Бундан ташқари **Пари** образи ҳам халкнинг қадимий тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, унинг пайдо бўлиши, ўзбек шеъриятига кириб келиши, маъно қирраларининг ривожланиши бевосита халк мифологиясига бориб тақалади. Шеъриятда пари идеал гўзаллик рамзи, хуснда ягоналик тимсоли сифатида талқин қилинади. Шу боис ҳам маъшуқанинг бутун хатти-ҳаракатлари пари билан боғлиқ тарзда акс эттирилади. Огаҳий ижодида пари образи қўп маротаба қўлланилиб, у орқали инсоний гўзаллик, хулк-атвор ва одамийлик улуғланади.

Мумтоз шеъриятимизда, хусусан Огаҳий ижродида сув қизи, **сув париси** образлари ҳам учрайди. Унда маъшуқанинг яхшилик ва гўзаллиги рутба-даражаси сув парисига тенглаштирилади. Диссертацияда бу каби пари ҳакидаги ишонч-эътиқодлар, афсона ва ривоятлар билан боғлиқ Огаҳий шеърлари кенг ёритилиб, зарур ўринларда мумтоз шоирларимиз асарлари билан қиёсан таҳлил қилинган.

<sup>9</sup> Матёкубова Т. “Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини”: Автореф. фил. Фанл.номз., Тошкент, 2001. 27 б

<sup>10</sup> Кўрсатилган манба, б-11

Бундан ташқари **дев, аждар, ит** каби образларнинг халк оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги ўрни, асосий сифатлари, мумтоз шеъриятда қўлланилиши, хусусан Огахий ижодида намоён бўлиши, шоирнинг ундан кўзлаган мақсади, поэтик маҳоратига эътибор қаратилади.<sup>11</sup> Бу фикрлар тасдиғини халк оғзаки ижоди намуналарида кузатиш мумкин.

Огахий мумтоз адабиётимиз тасаввуфий мантиғига хос анъананинг ижодий давомчиси саналиб, унинг лирик шеъриятида садокат, сабру қаноат, ҳалоллик, иймон, эътиқод, ирова, шукр, хокисорлик сингари туйғулар ифодаланган. Бундай сифат ва хусусиятларни акс эттиришда шоир мифологик, диний-тарихий образлардан моҳирона фойдаланган. У Шарқ адабиётидаги бадиий санъатлардан хам ижодий фойдаланиб, поэтик воситалар имкониятларини кенгайтирди ва уларни янада бойитди.

Ушбу илмий ишда нафақат мифологик образлар, шулар баҳонасида шоир ижодида энг кўп қўлланилган ташбех, талмех, муболаға, истиора ва бошқа қўплаб санъатларнинг шоир лирикасида қўлланилиши ва уларнинг вазифалари хусусидаги мулоҳазалар қилинган.

Фикримизча, күшлар билан боғлиқ мотивлар, тасвирлар, рамзлар, мифологиялар тизими инсоннинг күшларни бевосита идрок этиши, уларнинг ташқи белгилари ва биологик хусусиятларини кузатиш асосида шаклланган. Қүшларнинг само билан ҳамоҳанг муносабати, ғайритабиий қанот қоқишилари каби хусусиятлари ҳақидаги мифологик ғоялар барчани бирдек ҳайратда солса-да, шеъриятда турлича шаклланиши билан фарқланади.

Тадқиқотчи С. Шомуродованинг илмий ишидаги мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган анъанавий образларга ошиқ, маъшуқа, рақиб, шу билан бирга, соқий, май, дайр сингари мажозий тимсолларни киритишими мумкин. Бу образлар орасида маъшуқа тимсоли характерлидир. Шу тимсол орқали муаллифнинг дунёқараши, бадиий-эстетик олами ва ижодий маҳорати намоён бўлади. “Мумтоз адабиётда маъшуқа... юзлари гоҳ тўлин ой, гоҳ гул бўлиб атрофга яхшиликлар улашса, бўйи ё шамшод, ё сарвни доғда қолдиради. Оғзи баъзан жуда кичик бўлса, баъзан умуман йўқ бўлиб ошиқ сўроқларига жавоб бермайди”.<sup>12</sup> Мазкур анъанавий образлар тадқиқотимиз обьекти бўлган замонавий девонларда ҳам учраб туради. Тадқиқотда замонавий девонлар муаллифларининг мумтоз адабиётда анъанавий бўлган образларни яратишдаги маҳорати қиёсий ўрганилган. Булбул ва гул образи азалдан ошиқ ва маъшуқнинг рамзини билдиради. Алишер Навоийда:

*Истамиши булбул вафо гулдин, магарким жоладин*

*Багри қотмии гунчанинг баским эзур хандон анга*

Эркин Воҳидовда:

*Тун билан ииғлабди булбул гунча ҳажри догоида,*

*Кўз ёши шабнам бўлиб қолмии унинг япрогида.*

Ушбу байтларда булбул (oshiq)нинг кўз ёш тўкиши тасвирланса, бошқа шоирларда бу образнинг оҳанг яратиш, куйлаш хусусиятига урғу берилади:

Исмоил Маҳмудда:

<sup>11</sup> Кўрсатилган манба, б-13

<sup>12</sup> Шомуродова С. XX аср ўзбек адабиётида девончилик анъанаси: Мавзу, таркиб, вазн ва бадиий санъатлар. Филол.фан. д-ри дисс. автореф.- С.-2022

*Сайрагил, дил, мисли булбул, билки, фурсат яхшиидур,*

*Сайрамоқ айёми, күнгил, билки журъат яхшиидур.*

Шоира Шамсда:

*Гул эсам, булбул каби келгаймисан?*

*Қалбима оҳанг каби тўлгаймисан?*

Ушбу анъанавий образлардан ташқари, қош, соч, сабо, шаббода, эл, халойиқ каби образлар диссертацияда қиёсий ўрганилган.

Девонлар замон нуқтаи назаридан ҳозирги вақтда яратилар экан, ўз-ўзидан бу девон таркибидаги шеърларда ижтимоий давр рухи сезилиб турди. Мумтоз адабиётда ғунча образи маъшуқанинг лаби, оғзи, юзи, айрим ҳолатларда у билан гўзалликда баҳсга киришган рақиба маъносида келади. Замонавий девонларда эса ғунчага ҳам янгича маъно юкланди, у ошиқ, севги тимсолида тасвирланади. Э.Воҳидов “Ғунча” номли ғазалида ғунчага мурожаат қиласкан, ошиқ ҳолати билан параллел тарзда ғунчанинг ҳам ҳолати тасвирланади:

*Бўлдингми мен каби ё бир бевафога ошиқ,*

*Айт, севганингни сенга парвоси йўқми унча?*

Дилором Эргашева девонида ҳам ғунча ошиқ:

*Мушит тугар гулшандга ҳар гул ғунча,*

*юз Очса гуллар шоҳи мен мушитоққа.*

Эркин Воҳидов девонларида *сурма, голос, узум, тароқ* каби предметлар образ даражасига олиб чиқилади. Мазкур образлар, одатан, маъшуқа гўзаллигини тасвирловчи воситалар сифатида кўлланган бўлса, шоир ғазаларида улар ҳам ёрга ошиқ изҳори ҳолатида куйланади. Бундан ташқари, ишда анъанавий образларнинг янгича моҳият касб этгани, қорачиғ куйган қуёшга, кўз эса мовий осмонга ўҳшатилиши (*Қорачиғ куйган қуёши*, *Мовий осмондир кўзинг* (Э.Воҳидов)), нафақат шакли, балки ўсма қўйилган қошнинг рангини-да меҳробга ўҳшатиб, қош ва меҳроб образларига янгича ёндашганлиги (*Қоши ҳам ўスマдан зангор, Дема зангор, эрур зангбор, Нечукким, қон тўкиб хунхор Қиличлар бўйла занглайдир*(Э.Воҳидов)), голос ва узум азалдан маъшуқанинг лабига қиёсланса-да, бундан лирик қаҳрамоннинг рашкни туйиши муаллифнинг янгилик яратиш маҳоратидан дарак эканлиги мисоллар орқали қайд этилган.

Тадқиқотда ўзбек мумтоз адабиётида куйланган ошиқ-маъшуқлар тасвири, муҳаббат куйларида талқин этилган образлар кейинги давр адабиётида ҳам кўзга ташланади, яъни тасвирлар гўёки давом этаётганидек қайта жонланади ва яна қайта ўзига жалб этаверади.

Жаҳон адабиётшунослигини кузатган ҳолда, анъанавий образларнинг турли маданият, турлича қараш ва ўҳшатишларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Немисзабон тадқиқотчилар Хенрике Шмидтда ёлғизликда дардингни эшитгувчи юлдуз, ой, қувват улашгувчи қадимий дараҳт, ўз бағрига чорловчи викорли тоғлар, гоҳ кулиб, гоҳ йиглаб бергувчи инжиқ булат, орзуга айланган осмон, меҳрга тўла замин сехрли сўзлар, куйлар оҳангизда жаранглаётгани каби тушунилса, Л. Юлиусда Илоҳиёт билан ўйғунлашган Худо, само, фаришта, жаннат, дўзах каби анъанавий образлар мажмуи, А. Феннерда эса “қайғуга ботган” табиат, она, ота, ватан, фарзандлар ноласи, ҳис-туйғулари акс этган.

Мифологик образлар Хизр, Пари, дев, аждар каби ўзбек мумтоз адабиётида кўлланган образлар, жадид шеъриятидаги рақиб-дўст, яъни мумтоз адабиётда кўйланган ёр-агёр образларини, ҳеч қачон таслим бўлмайдиган ва турли шакл-шамойилга эга ишқ, ошик-маъшуқ образлари, айниқса шоирлар кайфиятига, ҳолатига таъсир қилгувчи табиатнинг инжикликлари ва ёки гўзалликлари, йил фаслларининг рамзий талқинлари, мумтоз адабиётимиздан таъсир олиб, беихтиёр кўйланашга мажбур этган гул, булбул, ғунча, қаро қош, кўзлар тасвирининг таҳлилига оид илмий асарлар ўргандик.

### **REFERENCES**

1. Dorfbauer L. J. “Das Wunderbare in den politischen Gedichten Claudians”. dissertation dr.phil.Wien,2009. s 278
2. Fenner A.M. Trauer in der deutschen Nachkriegslyrik zur Emotionsgestaltung bei Günter Eich, Marie Luise Kaschnitz und Nelly Sachs: Diss.dr.phil. Göttingen 2015
3. Schmidt H. Wortmusik, Schrifttanz, Textbilder. Intermediale Sprachkonzeptionen in der russischen Poesie des 20. Jahrhunderts.  
<http://www.ruhr-nibochum.de/lirsk/sphaeren/index.htm>.
4. Матёкубова Т. “Огаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини”: Автореф. фил. Фанл.номз., Тошкент, 2001. 27 б
5. Шомуродова С. XX аср ўзбек адабиётида девончилик анъанаси: Мавзу, таркиб, вазн ва бадиий санъатлар.Филол.фан. д-ри дисс. автореф.- С.-2022